The Role of Afghanistan in the Anglo-Russian Rivalry over Central Asia (1860–1870s)

B.B. Khaynazarov
PhD, Associate Professor, Department of World History, National University of Uzbekistan

Abstract. *This article examines the role of Afghanistan in the Anglo-Russian rivalry over the Central Asian question during the 1860s–1870s. The author demonstrates that after the Crimean War, the Russian Empire intensified its interest in Central Asia, while Great Britain sought to secure British India by transforming Afghanistan into a "buffer zone." Drawing on historical sources, the study analyzes the Anglo-Russian negotiations initiated in 1869, the meetings between Gorchakov and Forsyth, diplomatic disputes over the northern borders of Afghanistan, and the substance of the agreements concluded in 1872–1873. The research concludes that Afghanistan emerged during this period as a strategic space where the interests of the two colonial empires collided, eventually becoming a political buffer region.*

Keywords: Afghanistan, Russian Empire, Great Britain, Anglo-Russian rivalry, Central Asia, buffer zone, Sher Ali Khan, Gorchakov, Forsyth, diplomatic negotiations, nineteenth century, geopolitics.

Ўрта Осиё масаласидаги рус-инглиз рақобатида Афғонистоннинг тутган ўрни (1860-1870 йиллар)

Б.Б.Хайназаров
PhD., доцент, ЎзМУ "Жаҳон тарихи" кафедраси

Annotatsiya. *Mazkur maqolada XIX asrning 60–70-yillarida O'rta Osiyo masalasida Rossiya imperiyasi va Buyuk Britaniya o'rtasidagi geosiyosiy raqobatda Afg'onistonning tutgan o'rni tahlil qilingan. Muallif Qrim urushidan keyin Rossiyaning Markaziy Osiyoga bo'lgan qiziqishi kuchaygani, inglizlarning esa Hindiston xavfsizligini ta'minlash maqsadida Afg'onistonni "bufer zona" sifatida shakllantirishga intilganini ko'rsatadi. Maqolada 1869-yildan boshlangan rus-ingliz muzokaralari, Gorchakov va Forsayt uchrashuvlari, Afg'onistonning shimoliy chegaralarini belgilash bilan bog'liq diplomatik bahslar hamda 1872–1873-yillardagi kelishuvlarning mazmuni manbalar asosida yoritilgan. Tadqiqot natijasida Afg'oniston bu davrda ikki mustamlakachi davlat manfaatlari to'qnashgan strategik hudud, ya'ni siyosiy "qalqon mintaqa" sifatida shakllanganligi xulosalanadi.*

Kalit so'zlar: Afg'oniston, Rossiya imperiyasi, Buyuk Britaniya, rus-ingliz raqobati, O'rta Osiyo, bufer zona, Sher Alixon, Gorchakov, Forsayt, diplomatik muzokaralar, XIX asr, geosiyosat.

Қрим уруши туфайли Чор Россиясининг Қора денгиздаги ва Болқондаги таъсири анча сусайди, шу боис Россиянинг Марказий Осиё давлатларига бўлган қизиқиши янада кучайди. XIX асрнинг иккинчи ярмида (1853–1856) бўлиб ўтган Россия билан Қрим уруши Россиясининг Марказий Осиёга ҳарбий юришига, мустамлакачилик сиёсатини амалга оширишига маълум муддат тўсқинлик қилиб турди. Бироқ Россия империяси подшо Петр I белгилаб кетган режа асосида Марказий Осиёга ҳарбий юришни ҳеч тўхтатмай, шиддат билан амалга оширишни мақсад қилиб қўяди.

Ўз навбатида, 1857–1859 йилларда бўлиб ўтган Ҳиндистондаги миллий-озодлик қўзғолонидан қаттиқ чўчиб қолган Англия ҳукумати XIX асрнинг 60 йилларида Чор Россиясининг Марказий Осиёдаги фаол ҳаракатига қаршилик кўрсата олмади. Лекин 1865 йили Тошкент, 1868 йили Самарқанд руслар томонидан босиб олингач, айниқса, инглиз сайёҳи Г.Роулинсоннинг 1868 йилда инглиз парламентига йўллаган, руслар Ҳиротни эгаллаб, Қандаҳоргача юриш қилиб бориши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлари ўрин олган мактубидан сўнг инглиз ҳукумати шошилинч равишда Чор Россияси билан Британия Ҳиндистони ўртасида "буфер зона" яратиш борасида Россия давлати билан музокаралар олиб борди. Ушбу "буфер зона" Афғонистон бўлиши керак эди [Б.Хайназаров: 52].

Марказий Осиёда русларнинг йўналишига чегара қўйишга ҳаракат қилган Англия, 1869 йилдаёқ Марказий Осиёда таъсир доирасини тақсимлаб олиш ва мазкур ҳудудларда Россия империяси ва Буюк Британия ҳукуматлари ўртасида қалқон минтақани барпо этиш тўғрисида Россия билан музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқди. Музокаралар бир неча ой давом этиб, унинг охирги босқичларида Ҳиндистон генерал-губернатори ҳузуридаги Осиё мамлакатлари билан савдо-сотиқни ривожлантириш масалалари бўйича ҳукумат қўмитаси раиси Дуглас Форсайт ҳам иштирок этди. Горчаков ва Форсайт 1869 йилнинг 1 августида илк маротаба Баден-Баденда учрашдилар. Иккиси ҳам Россия ва Англия ўртасидаги чегарага оид масалани тинчлик йўли билан бартараф этиш тўғрисида якдил фикрга келдилар. Шу билан бирга Горчаков, Россия Ҳирот ва Афғонистон ишларига ҳам аралашмайди деган мазмунда ўзининг қатъий фикрини билдирди. У Афғон амири Шер Алихон ўзининг диққат-эътиборини фавқулодда ҳукумат ишларига қаратишини ва ҳеч ким унинг ишига халақит қилмаслиги ҳақидаги истагини таъкидлади [Б.Хайназаров: 53].

Аввал бошида Афғонистонни қалқон минтақаси ҳудуди этишни тахмин қилишди. Афғонистон жанубий Амударёнинг барча ҳудудига даъво қилгани каби ва ўша вақтда Бухоро ҳам ўз навбатида жанубий Амударёнинг айрим ҳудудларини ўзиники деб ҳисоблагани учун бу нуқтаи назар Россия ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланмади. Бухоронинг айрим ҳудудлари Россия таъсир доирасига киргани туфайли Афғонистон даъвосини қўллаб-қувватлай олмади. Буюк Британия Ташқи ишлари вазирлигида мавжуд бўлган маълумотлар Россиянинг позициясини тасдиқлади.

Рус ҳукуматини Афғонистоннинг қўшни Балх, Қундуз ва Бадахшон ўлкалаларига силжиши имконияти ташвишга солди. Шу муносабат билан Буюк Британиядан Афғонистон чегараси 1869 йилда, яъни музокаралар олиб борилган вақтда қандай бўлган бўлса, ўша кўринишда сақлаш кафолати талаб қилинди. Охир-оқибатда, бу босқичда томонлар бир битимга кела олмадилар.

1869 йилнинг 3 сентябрида Англия ҳукумати вакили лорд Кларендон билан бўлган иккинчи музокарада ҳам канцлер Горчаков яна ўзининг илгари айтган фикрини тасдиқлади ва британ ҳукумати ўз навбатида Шер Алихонни қўшни ўлкаларга ҳар қандай ҳужум ҳаракатларидан тийиб

туриши умидини ифодалади.

Кейинчалик, 1869 йил 20 октябрда Петербургда ҳарбий вазир Д. Милютин ва Д. Форсайтлар ўртасида, шунингдек Осиё департаменти директори иштирок этган йиғилишда иккала томон қуйидаги қарорга келишди: “1) Ҳозирги вақтда ҳақиқатда Шер Алихон ҳукмронлик қилаётган ҳудудлар Афғонистоннинг чегараси этиб ҳисобланади. Ўзининг чегарасини шимолга томон кенгайишиги йўл қўймаслиги учун Англия барча чораларни тадбиқ этади. 2) Ўз навбатида Россия Бухоро ўзининг чегарасини Афғонистон ҳудуди ҳисобига кенгайтиришига йўл қўймаслик учун ўзининг таъсиридан фойдаланади. 3) Агарда кейинчалик Россия Бухорога қарши душманларча ҳаракат қилишга мажбур бўлса ва барча хонлик ёки унинг бир қисмини эгаллаб олиш ҳохишидан қатъи назар, Афғонистонга нисбатан босиб олиш ҳаракатларини амалга оширмайди. Англия эса ўз навбатида, афғон подшоҳи ўзининг шимолий қўшниларини ташвишга қўйишига йўл қўймайди” [Б.Искандаров: 176].

Англия Россияга иккала империянинг таъсир доирасини ажратувчи оралиқ сифатида Афғонистоннинг шимолий чегарасига аниқлик киритишни таклиф қилди. Россия бу таклифга рози бўлди. Буюк Британия ва Россия ҳукуматлари ўртасида қалқон минтақани барпо этиш тўғрисидаги музокаралар яна қайтадан бошланди. Қобул амири чегараси шимолда Амударёнинг Хўжа Солиҳ кечувидан ва Панж юқори оқими, сўнг бу нуқтадан чегара Бадахшоннинг шарқий чегараси бўйлаб ва Кофиристон ҳамда Читролнинг шимолий чегарасидан жанубий-ғарбий томонга йўналиб жанубга қайрилади. Кўриниб турибдики, на Шуғнон ва на Вохан Қобул амири ҳудуди чегарасига кирмаган.

Афғонистон Бадахшон ва Воханни ўз ичига қамраб оладими, ёки Окс билан Кўкчининг бирлашуви унинг шимолий чегарасини ҳосил қиладими деган саволлар қайтадан бошланган музокараларнинг мунозарали масалаларидан бўлди.

Бу хусусда Британ ҳукуматининг позицияси 1872 йил 17 октябрда Буюк Британия ташқи ишлари вазири граф Жорж Левисон-Гоувер Гранвилнинг (1815-1891 йй.), А. Лофтусга ёзган хатида шундай баён қилинган. Қобул амири ҳукумати афғон провинциясининг барча қўлами зикр қилинган, шимолий чегарани ташкил қилувчи, Шарқда Сарикўлдан бошлаб то Кўкчи дарёси билан Оксус дарёсининг тутушган жойи яъни Панж дарёси, Вохан округи қарам бўлган Бадахшон ҳисобига кенгайиши зарур. Афғон Туркистони қуйидаги округларни ўз ичига олади: Қундуз, Хулм ва Балх, Окус дарёси оқимига қуйилувчи Кўкчидан то Хўжа Солиҳ нуқтасигача яъни Бухородан Балхга катта йўл бўйлаб, шимолий чегара бўлиб хизмат қилиши мумкин. Афғон амири Хожа Солиҳнинг қуйи, Амударёнинг чап қирғоғига ҳеч қандай даъво қила олмайди [Афганское разграничение: 5].

Баён қилинган бу фикр-мулоҳазалар, афғон амирига Бадахшон ва Воханни ўзининг ҳукумати таркибига қўшиб олиш ҳуқуқини бермасликни қаттиқ маъқуллаган фон Кауфманнинг қарашлари билан тўғри келмади.

Граф Гранвилнинг топшириғига биноан 1872 йил 17 октябрдаги хатнинг нусхаси Россия ташқи ишлари вазири граф А.М. Горчаковга (1798–1883 й.й.) юборилди. 1872 йил 7 декабрда британ ҳамкасбига ёзган жавоб хатида эса шундай қайд қилади: “Афғон давлатининг асосчиси Дўст Муҳаммадхон ўзидан кейин, ҳукмронлигининг айрим вақтларида Афғонистон томонидан қўшиб олинган ҳудудларни асос сифатида қабул қилишга имкон бермайдиган чигал вазиятни қолдириб кетди [D.Urakov: 26].

Шунинг учун Шер Алихон ҳукмронлиги вақтидаёқ ўлкага кирган ва кейинчалик Дўст Муҳаммад ҳукумати томонидан тан олинган ўша ҳудудларнигина эътиборга олиш лозимлигини мувофиқлаштириш даркор” [А.Постников: 116].

Россия ҳукумати ўзининг Лондондаги вакили орқали инглиз ҳукуматини юзага келган қарама-қаршиликка эътибор қаратишини талаб қилди. Кейин Рус ҳокимияти босиб олинган ўлкаларда ўзининг идора қилиш механизмини ўрнатиши баробарида, Ўрта Осиёда иккала давлат ўртасидаги муносабатларни вақтинча барқарорлаштириш мақсадида лорд Гранвилнинг Афғонистон чегарасига дахлдор бўлган таклифини қабул қилиш зарурияти тўғрисида хулосага келди [А.Постников: 118].

1872–1873 йилларда имзоланган битим бир томондан иккала буюк давлат манфаатларининг натижаси бўлди. Иккинчи томондан эса инглизларга руслар билан камроқ ҳисоблашиш имкониятини берди. Иккала буюк давлат заиф халқларни босиб олиш мақсадида ўзларининг босқинчилик ҳаракатларини амалга оширишда, асосан ўзининг вассал мамлакатларига таяндилар; инглиз истилочилари учун бундай мамлакат Афғонистон, чор Россияси учун эса Бухоро бўлди.

Афғонистон ва Бухорони “ҳимоя қилиш” сиёсатини олиб борган иккала буюк давлат ўша вақтда ҳақиқатда ўзларининг таъсир доирасини тақсимладилар ва охир-оқибатда эса бир мунча заиф халқларни босиб олиш ҳисобига ўзларининг мустамлака ерларини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Ҳужжатларнинг бирида мазкур битимларнинг ҳақиқий мақсадидан дарак беради: “улар ўртасида (Англия ва Россия. - муаллиф) яхши муносабатларни сақлаб қолиш учун Ўрта Осиёда уларнинг бевосита туташ эгаликларини олдиндан белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур вазиятда иккала мустамлакачи давлат ўртасида бетараф ҳудудни барпо этиш энг яхши воситалардан бири бўлиб, дахлсизлик иккала буюк давлат учун ҳам амал қилиниши бир хил шарт бўлар эди” [Афганское разграничение: 3].

Ўрта Осиёда ўзининг келажакдаги ҳолатини мустаҳкамлаш билан банд бўлган ва Болқонда мураккабликларга дуч келган Россия империяси Англияга фойдали бўлган вақтинча битим имзолашга рози бўлди. Аввал бошида у битимлар шартини бажаришни эътиборсиз қолдирди. Бу хусусан, Гладстон инглиз ҳукумати бошлиғининг қуйидаги баёнида ўз аксини топган. Инглиз парламентида берилган савол: “Англия узоқвақт Россия ва Афғонистон ўртасида тинчликни ушлаб туриш мажбуриятини ушлаб турадими ва қўшнилари билан тинчлик ҳолатида бўлишда амирни (Афғонистон - муаллиф) ушлаб туриш учун Англия қуролни ишга солиши зарурми? Гладстон шундай жавоб берди: давлат бундай масъулиятни ўз зиммасига олмайди ва фақатгина дўстлик маслаҳатини бериш билан чекланиши мумкин, холос” [Туркестанские ведомости: 17]. Бундай жавоб рус ҳукуматини нафақат қониқтирмади. Балки инглиз ҳукумати битим тузилгандан кейин ҳам қандай бўлмасин битим шартларини бажаришни

рад қилгани сабабли уни мушкул аҳволга ҳам солиб қўйди.

Шак-шубҳасизки, Россия империяси ҳукумати тузилган битимнинг асосий бандларини эътиборсиз қолдиришларига тинч қараб тура олмадилар. Бу ҳолат шунга олиб келдики, иккала буюк давлатлар илгаригидек ўзларининг таъсир доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар. Шу мақсадда инглизлар Ҳиндистоннинг шимолий қисмида жойлашган Ҳиндиқуш ўлкасидан ярим мустақил бўлган ҳудудларни батамом босиб олишни бошладидар. Бир вақтнинг ўзида улар Афғонистонда ўзларининг вазиятини мустаҳкамлаб олишга ҳам киришдилар. Натижада 1878-1880 йиллардаги икинчи инглиз-афғон урушида инглизлар Афғонистонни Британ Ҳиндистонидан ташқари, бошқа давлатлар билан дипломатик алоқаларни олиб бориш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, уни қарам давлатга айлантиришга муваффақ бўлдилар [B.Khaynazarov: 145]. Шу билан бир қаторда инглизлар шимолий районлар ҳисобига ўзининг эгалигини кенгайтиришга ҳаракат қилаётган Абдурахмонхонга турли хил (молиявий, ҳарбий ва бошқа) ёрдам кўрсатдилар.

1872–1873 йилларда тузилган битимнинг асосий шартлари эътиборсиз қолдирилиши, Англия билан бир қаторда Россия ҳам кейинчалик унинг асосий тамойилларини бузишга олиб келди. Инглизлар Россиянинг ҳар бир қадамидан ўзларининг фойдасига фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Мавжуд манбалар, элчи ва савдогарларнинг кўрсатмалари, фундаментал асарлар, ҳамда рус ахборотида эълон қилинган мақолалар бизга Каспийорти ҳудуди ҳақида, қолаверса унинг ташқи иқтисодий алоқалари тўғрисида муҳим маълумотларни бериши билан ҳанузгача ўз қадрини сақлаб қолмоқда. Кўриб ўтганимиздек, Каспийорти ҳудуди XIX асрда Россия билан жуда яқин савдо-иқтисодий муносабатларига киришган. У анъанавий савдо алоқаларини давом эттирган ҳолда Бухоро, Эрон ва Ҳиндистон билан ҳам муносабатларни жадаллаштирган. Ҳаттоки, хива хонлиги, Россия ва шарқ давлатлари ўртасидаги савдо муносабатларида воситачи вазифасини ҳам бажарган.

References

1. Афганское разграничение. Переговоры между Россией и Великобританией в 1872–1885 гг. (1886). В 2-х ч. Ч. 2. СПб.: (n.d.).
2. Искандаров Б.И. (1962). Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. В 2-х ч. Ч. 1. Душанбе: (n.d.).
3. Афганское разграничение. Переговоры между Россией и Великобританией в 1872–1885 гг. (1886). В 2-х ч. Ч. 2. СПб.: (n.d.).
4. Постников А.В. (2005). Схватка на “Крыше Мира”: Политики, разведчики, географы в борьбе за Памир в XIX веке. М.: (n.d.). Туркестанские ведомости. (1892). 1 сентября.
5. Хайназаров Б.Б. (2021). XIX асрда инглиз-рус рақобатида Афғонистондаги савдо-сотиқ масалалари // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar. № 4. Б. 52–57.
6. Khaynazarov B. (2021). Trade Issues in Central Asia in the Anglo-Russian Competition of the XIX Century // The American Journal of Social Science and Education Innovations. Vol. 03, Issue 12. P. 144–149.
7. Urakov D.J. (2021). English-Russian Agreement on Afghanistan // International Journal of Academic and Applied Research (IJAAR). Vol. 5, Issue 4. P. 26–30.